

Ушбу сонда:
Аччиқ, Шароит аммо оччиқ бўлмаган жойда... гаплар

Прокурор даъвогар, ота-она эса жавобгар
Фирибгар жазога тортилди **2 БЕТ**

КОРОНАВИРУС ЙЎҚОЛГАНИ ЙЎҚ, ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК! 3 БЕТ


“НОННИНГ ГУЛЧЕХРАСИ БИЗДА!”
Беҳизорлар оралаб...
Ёхуд Абу Али ибн Синодан кейинги «стабиб» **4 БЕТ**



Фарғона ҳақиқати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Соғлом одам табиатнинг энг бебаҳо асаридир.
Томас КАРЛЕЙЛ.



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

@farhaqiqat.uz

@farhaqiqat

2020 йил 23 сентябрь, чоршанба № 73 (24462)

Рағбат Теримчилар мусобақаси ғолиблари

■ Вилоятимизда пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Учқўприк туманидаги пахтакорлар ҳам етиштирилган мўл ҳосилни тез ва сифатли йиғиб-териб олиш учун уюшқоқлик билан меҳнат қилмоқда.



Пахта теримида нафақат фермер хўжаликлари ва кластер корхоналари ишчи-хизматчилари, балки ихтиёрий равишда қўшимча даромад

топиш мақсадидаги иш билан банд бўлмаган аҳоли ҳам фаол қатнашмоқда. Қаредди, моддий манфаатдорлик бўлса, ўша ерда иш унумли бўлади. Ҳар бир ҳашарчига кунлик терим

пуллари кунма-кун дала бошида берилмаётгани, илғорларга топширилмаётгани қимматбаҳо совғалар уларнинг ғайратига ғайрат кўшмоқда. Вилоят ҳоқимлиги томонидан мунтазам илғор теримчилар мусобақаси

ўтказилаётгани ва ғолиблар муносиб рағбатлантирилаётгани ҳам кунлик терим суръатини оширмоқда. Учқўприк туманидаги “Юсупов Исоқжон замини” фермер хўжалиги далаларида ўтказилган бу галги мусобақада 14 та тумандан 42 нафар илғор теримчи иштирок этди. Эрталаб соат саккиздан кеч соат бешгача бўлган вақт ичида энг кўп пахта терган теримчилар мусобақа ғолиби сифатида эътироф этилди. Шу кун илғор теримчилар томонидан 7 тоннадан зиёд хирмон уюлди. Ёзёвонлик Иродахон Мамадалиева 353 килограмм пахта териб, биринчи ўринни эгаллади.

— Банк ходимлари шу ернинг ўзида ҳар килограмм пахта учун 1000 сўмдан беришиди. Муқофот сифатида 10 миллион сўм нақд пул ҳам олдим, — дейди Иродахон Мамадалиева. — Бундан ташқари, Учқўприк тумани ҳоқими махсус совға тақдим этди. Мавсум давомида 10 тоннадан ортиқ пахта терилиши ният қилганман. Вилоят ҳоқимлиги томонидан мусобақанинг барча иштирокчилари тақдирланди. Биринчи ўринни кўлга киритган теримчиларга 10 миллион сўмдан, иккинчи ўринга 7 миллион сўмдан, учинчи ўрин эгаларига 5 миллион сўмдан пул муқофоти берилди. Фаол теримчиларга ҳам қимматбаҳо жиҳозлар совға қилинди.

Фарғона вилояти ҳоқимлиги Ахборот хизмати.



40 та янги «Тез ёрдам» машиналари хизмат кўрсатишни бошлади

Фарғона вилоятида бир кунда «Тез ёрдам»га бўлган мурожаатлар ўртача 4000-4500 тани ташкил этмоқда. Шу боис тез тиббий ёрдам бўлимлари ва шифоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий ходимларига шароитлар яратиш учун барча чоратадбирлар кўриломоқда.

Вилоят ҳоқимлиги томонидан шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларига 40 дона «Damas» русумидаги махсус автомашиналар топширилди. Бу билан эса вилоятда тиббиёт соҳасида хизмат кўрсатаётган «Тез ёрдам» автомашиналарининг сони тўрт юздан ошди.

Вилоят ҳоқимининг биринчи ўринбосари М.Убайдуллаев мазкур автомашиналарни топшириш тадбирида аҳолига сифатли тиббиёт хизмати кўрсатиш учун соҳадаги баъзи муаммолар ўзи ечимини топганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бунинг учун маҳаллий бюджетдан зарур маблағлар ажратилди.

— Бугунги кунда «Тез ёрдам»га бўлган мурожаатлар сони кескин кўпайди. Албатта, бу ҳозирги ҳолат билан боғлиқ. Аҳолимизнинг бу борада хавотирга тушишига ҳеч қандай асос йўқ. Чунки шаҳар ва туманлар «Тез ёрдам» машиналари билан етарли даражада таъминланди. Ёнилги, дори-дармонлар масаласида муаммо йўқ. Махсус автомобилларни радиоалоқа билан тўлиқ таъминлашни учун 1 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Ҳусанжон Мамажонов.

Ўз мухбиримиз. М. ҚОДИРОВ олган сурат.

Сўх — Баткен: Ҳамкорлик кенгаймоқда

Халқимизда қўшничилик — минг йилчилик деган нақл бежиз айтилмаган. Қирғизистон Республикаси билан дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланиб, ўзаро борди-келдилар йўлга қўйилмоқда. Баткен туманилик меҳмонларнинг Сўх туманига ташрифи ана шу яхши қўшничиликнинг бир намунасидир.

Меҳмонлар дастлаб «Сариканда» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган «Сўх намунаси» масъулиятли чекланган жамиятига қарашли тикувчилик корхонаси фаолияти билан танишди. Ҳамкорлик ва маҳсулотлар экспорти бўйича келишиб олинди. Айтиш мумкин мазкур корхонада 30 дан ортиқ хотин-қизлар меҳнат қилади. Ишчилар учун қўлай шароит яратиб берилган бўлиб, меҳнатлари яраша муносиб меҳнат ҳақи олишади. Сўхнинг муқаддас қадамжоларидан бири Ҳазрати Али зиёратгоҳидир. Меҳмонлар бу ерни зиёрат қилиши ҳамда дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамланиши йўлида тиллақлар билдиришди. Тумандаги 6-мактабгача таълим ташкилоти ўтган йили фойдаланишга топширилган. Ушбу муассасада бўлган Қирғизистон делегацияси аъзоларини муассаса тарбияланувчилари ўзига хос меҳмондорчилик билан кутиб олди. Ўзбек, тоjik ва қирғиз тилларида ижро этилган куй-қўшиқлар меҳмонларга жуда манзур бўлди. —Ташрифдан асосий мақсад — асрлар оша шаклланиган дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашдан иборат, — дейди Баткен тумани ҳоқими Каланбек Маркаев. Сўх туманини комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш доирасида бу ерда янги эркин иқтисодий минтақалар ташкил этилмоқда. Малбўд массивида шаклланаётган иқтисодий минтақада бўлган меҳмонлар туманининг иқтисодий салоҳияти, тадбиркорлик ривожига қаратилаётган катта эътиборга гувоҳ бўлди. Инвестиция салоҳиятини ўзида мужассамлаштирган иқтисодий минтақада туман тараққиёти ва ривожига бугундан ишончли қадамлар қўйилмоқда. Бу ҳудудда савдо-саноат соҳасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қўшни туманлар раҳбарлари келишиб олдилар. Учрашувда ўзаро меҳр-қўшнат ришталарини янада мустаҳкамлаш, барча соҳаларда икки томонлама муносабатларни йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилди. Ўзаро келишувга биноан табиий реуурслар — яйловлар, ичимлик ва оқин сув манбасидан фойдаланиш, икки томон манфаатига хизмат қилувчи лойиҳаларни амалга татиқ этиш бўйича фикр алмашилди.

М. СУЛАЙМОНОВ.

Қишлоқ хўжалиги: истиқбол ва самара

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланишнинг Янги Тизими

Дунё олимлари инсоният йиғирма биринчи асрда жуда кўп муаммолар билан юзма-юз бўлишни таъкидлашмоқда. Ана шундай глобал масалалардан бири — сув муаммосидир.

Она сайёраимиз аҳолиси сони йилдан-йилга ошиб борар экан, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги, қўрғоқчилик, ерларнинг чўлланиши сингари оғриқли муаммолар жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётгани айни ҳақиқатдир. Бу борада мамлакатимизда кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилиб, сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларини замонавий мезонлар асосида ривожлантириш бўйича дастурлар ҳаётга татиқ этилаётгани эътирофга лойиқ.

Ҳўш, айтиш жараёнда вилоятимизда қандай ишлар амалга ошириляпти? Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар эртанги кун истиқболи ва ҳаётимиз тўқис бўлиши учун хотиржам яшашимизни кафолатлайдими?!

ВИЛОЯТИМИЗДА:
Суғориладиган ер майдони — **336,7** минг гектар;
Шундан турли даражада шўрлангани — 92,8 минг гектар (27 фоиз);
Ҳозирги кунда вилоятда **2,3** минг км ирригация тармоғи, **18,8** минг км коллектор-дренажлар, **170** та насос станцияси ва **923** та суғориш қудуғи мавжуд.

АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР:
2021 йили — **30,2** минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этиш.
Шу йилнинг якунига қадар **38,4** минг гектар майдоннинг сув таъминоти ҳамда **52,9** минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш.

Ирригация тизимида инновацион ғоялар

Яқин истиқболда вилоятда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш усуллари кенг жорий этилиб, сув ресурслари **40-50** фоизгача иқтисод қилинади, ҳосилдорлик **15-20** центнергача ошишига эришилади.

Йил якунигача 7 та сув иншоотида сув ҳисобини юритиш тизими ҳамда 305 та насос станцияси ва тик қудуқларда электр энергияси истеъмолнинг автоматлашган назорат тизимини жорий қилиш;
2021 йил охирига қадар 2 та туманда йирик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари (агрокластерлар) ерларидаги сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойили асосида ташаббускорларга бериш;
Шунингдек, ирригация тармоқлари, коллектор-дренажлар, насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари қуриш, мавжудларини таъмирлаш режалаштирилган.

